

XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш - Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган идоралараро методик қўлланма асосида амалга оширилади.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжаликлари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танлама кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.


Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадлари 78,9 трлн. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 % реал ўсиш суръатига эришилди. Аҳоли жон бошига умумий даромадлари эса 2323,1 минг сўмни, реал ўсиш суръати 105,6 % ни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига
Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий
даромадларининг ўсиш суръатлари
(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)**



Аҳолининг умумий даромадлари - ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан олган даромадлари, мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар (фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкый даромадлар), трансфертлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансфертлар) дан иборат.

Аҳоли умумий даромадлари таркиби




2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида
аҳоли умумий даромадлари таркиби ва ўтган йилнинг
мос даврига нисбатан ўсиш суръати

	Жамига нисбатан, фоизда		2020 йил январь-март 2019 йил январь- мартга нисбатан, фоизда
	2019 й.	2020 й.	
Умумий даромадлар - жами (I+II)	100,0	100,0	122,5
I. Бирламчи даромадлар	73,7	74,7	124,1
I.1. Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	68,4	68,7	123,0
I.1.1. Меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар	65,6	66,0	123,1
I.1.1.1. Ёлланма ишчиларнинг даромадлари	32,5	33,4	125,6
I.1.1.2. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар	33,1	32,6	120,7
I.1.2. Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар	2,8	2,7	120,7
I.2. Мол-мулкдан олинган даромадлар	5,3	6,0	137,9
II. Трансфертлардан олинган даромадлар	26,3	25,3	118,0

2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадларининг 74,7 % ини бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса, 25,3 % и трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

Бирламчи даромадларда асосий улушни ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар, трансфертлардан олинган даромадларда эса бошқа жорий трансфертлар ташкил қилади.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра
Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий
даромадлари таркиби



- Трансфертлардан даромадлар
- Бирламчи даромадлар
- Ёлланма ишчиларнинг даромадлари
- Мол-мулкдан олинган даромадлар
- Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар
- Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар

2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятдан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 66,0 % и) шаклланди.


Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,7 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 6,0 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 25,3 % ни ташкил қилди.

Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (81,2 %) кузатилди. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Андижон, Кашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасда, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 24,2 % ни ташкил этган.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра ҳудудлар бўйича
аҳоли умумий даромадлари таркиби

(жами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, % да)



■ меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар

■ шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлар


■ трансфертлардан олинган даромадлар

Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Самарқанд, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли умумий даромадларига нисбатан 30 % дан юқори кўрсаткични ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, 15,3 % ни ташкил этди.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг манбаларидан бири бу - мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадларнинг улуши 32,6 % ни ташкил этди.




Ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши, % да



Ҳудудларда мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши турлича: 13,3 % дан (Тошкент шаҳрида) 48,5 % гача (Жиззах вилоятида) ўзгариб туради.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,33 % га ўсишига олиб келди.

Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсишининг аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири, % да



Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши 48,5 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 123,1 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадларининг 11,2 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Бухоро вилоятида 41,1 % улуш ва 124,7 % ўсиш суръати, аҳоли умумий даромадларининг 10,0 % га ўсишини таъминлаб берди.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Самарқанд (11,8 %), Тошкент (11,6 %) ва Фарғона (8,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган худудлар Сирдарё вилояти (2,5 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,4 %) ҳамда Навоий (4,9 %) вилояти ҳисобланади.

Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда худудларнинг улуши, % да






Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг кейинги манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. 2020 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 33,4 % ни ташкил қилди.

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати 125,6 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг 8,3 % ўсишини таъминлади.

Худудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари улуши турлича бўлиб, 23,0 % дан (Самарқанд вилоятида) 46,9 % гача (Навоий вилоятида) ўзгариб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўзғрисида»ги ПҚ-4555-сон Қарорига мувофиқ, 2020 йилнинг 1 февралидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ўрта ҳисобда 1,07 баробарга оширилди.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, % да



Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак Навоий вилояти, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб, сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

2020 йил январь-март ойларида худудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



Ёлланма ишчилар даромадларининг энг юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (135,0 %) ва Навоий вилоятида (131,5 %) қайд этилди.

Масалан, Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 45,1 % ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 135,0 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи шаҳар аҳолиси умумий даромадларининг 14,5 % га ўсишини таъминлаб берди.

Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 46,9 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 131,5 % ни ташкил этди.

Ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига таъсири, % да



Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи вилоят аҳолиси умумий даромадларининг 14,0 % га ўсишини таъминлаб берди. Худди шундай Қорақалпоғистон Республикасида эса 38,5 % улуш ва 122,0 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 8,4 % га ўсишини таъминлаб берди.

Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири мол-мулкдан олинган даромадлар бўлиб, 2020 йилнинг январь-март ҳолатига ушбу даромад манбаининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,7 % пунктга ошди.

Мол-мулкдан олинган даромадларнинг умумий ҳажми
4,8 трлн. сўм




2019 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўсиш суръати
137,9 %



Аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши
6,0%



Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби



- Фонзлар
- Дивидендлар
- Бошқа мулккий даромадлар

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулккий даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 72,0 % ни ташкил қилди. Кейинги ўринларда дивидендлар – 20,2 %, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фонзлар ва муаллифлик ҳақи – 7,8 % ни ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ҳолатига аҳоли умумий даромадлари таркибида жами мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 6,0 % ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадлари номинал ҳажмининг атиги 2,0 % ўсишини таъминлади.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига мол-мулкдан олинган даромадлар




Республика аҳолисининг мол-мулкдан олинган даромадларида хуудларнинг улуши турлича. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар умумий ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига (71,7 %) тўғри келган бўлса, бошқа хуудларнинг улуши анча паст кўрсаткични қайд этди.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

2020 йилнинг январь-март ойлари маълумотларига кўра трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 118,0 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 1,0 % пунктга камайди ва 25,3 % ни ташкил этди.

Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 120,6 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 82,1 % улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

Ижтимоий трансфертлар таркиби, % да



Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, % да



2019 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 120,3 % ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 2,6 % га ўсиш имконини берди.

Ижтимоий трансфертларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилнинг январь-

март ҳолатига барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Қашқадарё (123,9 %), Сурхондарё (122,8 %), Жиззах (122,6 %), Наманган (122,2 %), Самарқанд (121,7 %) ва Сирдарё (121,2 %) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг учдан бир қисми ёки 35,1 % и Тошкент шаҳри (13,9 %), Тошкент (10,8 %) ва Фарғона вилоятлари (10,4 %) хиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳрида ушбу даромад манбаининг ўсиш суръати 119,8 % ни ташкил этган бўлса, Тошкент ва Фарғона вилоятларида эса 119,9 % ни ташкил этди.



**2020 йилнинг январь-март ҳолатига ижтимоий
трансфертларнинг ўсиш суръатлари**
(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)

<i>Худудлар номи</i>	<i>Жами ижтимоий трансфертлар</i>
Ўзбекистон Республикаси	120,6
Қорақалпоғистон Республикаси	120,4
<i>вилоятлар:</i>	
Андижон	121,2
Бухоро	120,4
Жиззах	122,6
Қашқадарё	123,9
Навоий	119,6
Наманган	122,2
Самарқанд	121,7
Сурхондарё	122,8
Сирдарё	121,2
Тошкент	121,2
Фарғона	120,8
Хоразм	121,1
Тошкент ш.	115,0

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 15,5 % бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 139,9 % га ўсди. Нафақаларнинг энг юқори ўсиш суръати Тошкент вилоятида (148,5 %) кузатилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар (147,1 %), Жиззах (141,2 %), Фарғона (141,2 %), Бухоро (140,8 %), Наманган (140,4 %) ва Самарқанд (140,2 %) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръати қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида стипендияларнинг ижтимоий трансфертлар таркибидаги улуши 2,4 % ни ташкил этди.

2020 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар бўйича ижтимоий
нафақаларнинг шаклланиш манбалари, % да




Жорий йилнинг январь-март ойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 1,5 трлн.сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 56,2 % и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 43,8 % и эса республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.

Ҳудудлар кесимида эса бу кўрсаткич турлича. Қорақалпоғистон Республикасида 41,2 % нафақалар Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, 58,8 % нафақалар республика ва маҳаллий

бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган бўлса, Тошкент шаҳрида жами ижтимоий нафақаларнинг 98,4 % и Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан, 1,6 % и республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шакллантирилган.

Ижтимоий нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича 2019 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришини таҳлил қиладиган бўлсак, деярли барча ҳудудларда ҳар икки манба бўйича ўсиш кузатилганини кўришимиз мумкин.

**2020 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар кесимида ижтимоий
нафақаларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўсиши**
(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



2020 йилнинг январь-март ойлари бўйича бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати 115,6% ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,7 фоиз пунктга камайди. Ушбу даромадларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадлари номинал қийматининг 2,2% га ўсишини таъминлаб берди.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши, % да



Жорий даврда аҳоли умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг энг юқори улуши Самарқанд вилоятида (19,8 %) кузатилди.

Шунингдек, Андижон (18,7 %), Сурхондарё (18,0 %), Хоразм (17,9 %), Наманган (15,7 %), Қашқадарё (14,9 %), Бухоро (14,7 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (14,4 %) ва Фарғона вилоятида (13,7 %) республика даражасидан юқори улушни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар 2,3 млн. сўмни (реал ўсиши суръати 5,6 %) ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси худудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар ҳажми, минг сўм




Аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар бўйича Тошкент шаҳри (5,8 млн. сўм), Навоий (3,7 млн. сўм), Бухоро (2,6 млн. сўм) ва Тошкент (2,5 млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Навоий вилоятига (11,1 %) тўғри келди.

Шунингдек, Жиззах (7,4 %) Сурхондарё (7,1 %), Наманган (7,0 %), Самарқанд (6,2 %), Фарғона (5,8 %) ва Хоразм (5,7 %) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра
Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича
аҳоли жон бошига ўртача умумий
даромадларининг реал ўсиш суръатлари, % да**



2020 йилнинг январь-март ойларида аҳолининг реал умумий даромадлари 69,3 трлн. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 % га ўсди, аҳоли жон бошига эса 2041,4 минг сўмни ташкил этиб, 105,6 % га ўсди.

Аҳоли жон бошига реал умумий даромадларининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрида (5029,9 минг сўм) кузатилди. Шунингдек, Навоий (3306,8 минг сўм), Бухоро (2285,9 минг сўм) ва Тошкент (2228,3 минг сўм) вилоятларида республика даражасидан юқори кўрсаткич қайд этилди.


Энг қуйи кўрсаткичлар эса Наманган (1476,6 минг сўм), Фарғона (1540,4 минг сўм) ва Қашқадарё (1546,8 минг сўм) вилоятларида кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси
худудлари кесимида аҳолининг реал умумий даромадлари

Худудлар номи	Жами, млрд. сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да	Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да
Ўзбекистон Республикаси	69 348,1	107,6	2 041,4	105,6
Қорақалпоғистон Республикаси	3 023,6	106,7	1 590,5	105,1
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	5 220,0	105,8	1 665,8	103,7
Бухоро	4 403,9	106,6	2 285,9	105,0
Жиззах	2 445,1	109,8	1 765,0	107,4
Қашқадарё	5 084,5	104,1	1 546,8	102,0
Навоий	3 302,8	113,1	3 306,8	111,1
Наманган	4 158,7	109,3	1 476,6	107,0
Самарқанд	6 987,5	108,4	1 798,6	106,2
Сурхондарё	4 129,3	109,6	1 567,2	107,1
Сирдарё	1 540,8	106,4	1 816,9	104,3
Тошкент	6 566,1	106,3	2 228,3	104,7
Фарғона	5 790,5	107,8	1 540,4	105,8
Хоразм	3 704,1	107,4	1 981,5	105,7
Тошкент ш.	12 973,5	107,8	5 029,9	105,2

2020 йилнинг январь-март ҳолатига кўра аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 72,4 трлн. сўмни ташкил этди (реал ўсиш суръати 107,9 %), аҳоли жон бошига эса 2131,4 минг сўмни (реал ўсиш суръати 105,8 %) ташкил этди.

**Худудлар бўйича аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг
реал ўсиш суръатлари**
(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)




Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (4832,8 минг сўм) ҳамда Навоий (3409,8 минг сўм), Бухоро (2471,3 минг сўм) ва Тошкент (2350,7 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Энг паст кўрсаткичлар эса Наманган (1558,2 минг сўм), Фарғона (1639,4 минг сўм) ва Қашқадарё вилоятларида (1663,7 минг сўм) кузатилди.

Аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Навоий вилоятида (113,8 %) қайд этилди. Шунингдек, Наманган (110,9 %) Жиззах (110,4 %), Сурхондарё (110,3 %), Самарқанд (109,0 %), Фарғона (108,3 %) ва Хоразм (108,0 %) вилоятлари аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларининг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ҳолатига аҳоли реал ихтиёридаги умумий даромадлар 63,6 трлн. сўмни ташкил этди, аҳоли жон бошига эса 1873,0 минг сўмни ташкил этди.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг ўсиш суръатлари
(2019 йилнинг мос даврига нисбатан, % да)



Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадлар Наманган (1374,1 минг сўм), Фарғона (1437,8 минг сўм) ва Қашқадарё (1463,2 минг сўм) вилоятларида худудлар бўйича энг паст кўрсаткич кузатилган бўлса, Тошкент шаҳри (4173,7 минг сўм) ҳамда Навоий (3052,6 минг сўм), Бухоро (2154,4 минг сўм) Тошкент (2069,3 минг сўм) ва Хоразм (1882,2 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

Аҳоли жон бошига реал ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори ўсиш суръати Навоий вилоятида (111,8 %) қайд этилди. Шунингдек, Наманган (108,7 %) Жиззах (108,0 %), Сурхондарё (107,9 %) ва Самарқанд (106,8 %) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 53,6 % ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (62,0 %), Хоразм (58,6 %), Бухоро (58,4 %) ва Самарқанд (58,1 %) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сон Фармониغا мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Аҳолининг умумий даромадлари - доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Аҳоли бирламчи даромадлари ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадлардан ташкил топади.

Ишлаб чиқаришдан олинган даромадларга меҳнат фаолиятдан олинган даромад ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқарилган шахсий хизматлардан олинган даромадлар киради.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромад ёлланма ишчиларнинг ва мустақил равишда банд бўлган аҳолининг даромадидан таркиб топади.

Ёлланма ишчиларнинг даромади – бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг яширин (яъни, бирламчи ва бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмасдан иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар) қисмини қўшган ҳолда пул ва натура (товарлар ёки хизматлар кўринишида) шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад - мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

Шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларга бозор учун мўлжалланмаган ва уй-жой эгалари томонидан фойдаланилаётган турар-жой хизматларининг шартли равишда ҳисобланган қиймати киради.

Мол-мулкдан олинган даромадлар (мулккий даромадлар) деганда мулккий эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган молиявий ва номолиявий активларни бошқа шахсларга фойдаланиш учун беришдан уй хўжаликларига тушган тушумлар тушунилади.

Фондлар – банк ҳисоб-рақамларидан, кредит уюшмалари ёки бошқа молиявий муассасаларга қўйилган омонатлардан, депозит сертификатлари, давлат облигациялари, заёмлар ва қимматли қоғозлар бўйича ҳамда бошқа шахсларга берилган қарздорлик мажбуриятлари ва кредитлар бўйича олинган тўловлари.

Дивидендлар – сармоядор (жисмоний шахс)нинг корхонада ишлаши ёки ишламаслигидан қатъий назар, корхонага сармоя киритиши натижасида олинган тушумлар.

Муаллифлик ҳақи – яратилган адабий асарлар, ихтиролар ва муаллифлик ҳуқуқи берилган (яъни, нафақат муаллифга (яратувчига) тўланиши мумкин бўлган, балки бошқа мулкдорларга, масалан, меросхўрга ҳам тўланадиган) бошқа патентланган материаллар учун эгаси томонидан олинган муаллифлик мукофотлари.

Рента – жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ишлаб чиқарилмаган активларни (масалан, ер майдони) фойдаланишга беришидан олинган ижара тўловлар.

Трансфертлар - бу уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

Пенсиялар – қонунчиликда назарда тutilган, яъни маълум бир ёшга етганлиги, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлиги, шунингдек, қонунчиликка асосан таъсис этилган тизимларга кирмайдиган (масалан, иш берувчи томонидан таъсис этилган) ижтимоий таъминот бўйича мунтазам амалга ошириладиган пул тўловлари.

Нафақалар – қонунчиликда назарда тutilган ҳолатларда, яъни меҳнат қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотганлик, оғир моддий аҳвол, болали оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида, қариндошларнинг ўлими сабабли, ишсизлик бўйича нафақалар ва шунга ўхшаш ҳолатларда мунтазам ёки бир марта амалга ошириладиган пул тўловлари;

Стипендия – олий таълим муассасаларининг талабаларига тўланадиган ҳар ойлик пул таъминоти, шунингдек, жисмоний шахсларга, шу жумладан, хорижий давлатлардан ажратиладиган ўқув грантлари.

Бошқа жорий трансфертларга уй хўжалигига бошқа юридик ва жисмоний шахслар томонидан (мунтазам молиявий ёрдамлар, масалан, алиментлар, болалар ёки ота-оналар томонидан бериладиган моддий ёрдамлар, нотижорат ҳомийлик ташкилотларидан, касаба уюшмаларидан ва шунга ўхшашлардан мунтазам равишда тўланадиган) амалга ошириладиган тўловлар киради. Шунингдек, бошқа жорий трансфертлар тоифасига чет элдан, шу жумладан, жисмоний шахслар томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган пул ўтказмалари киради.

Аҳоли ихтиёридаги даромад - умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириш орқали ҳисобланади.